



05.01.2022 даги

ООО UNIVERSAL MOBILE SYSTEMS ва Учқургон туман 1-сон касб хунар мактаби ўртасида 459000,00 сўм
умумий суммага тўзилган 171000854010 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 079
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100010860142347092901079001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4292200			
Январь	153 000,00			153 000,00
Февраль	153 000,00			153 000,00
Март	153 000,00			153 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	459 000,00			459 000,00

Жами 459000 сўм

Тўрт юз эллик тўққиз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан


Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада такдим этилади;


(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(ИМЗО) Дадамирзаев Гуломжон
Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими


(ИМЗО) Рахмонов Мурод Ибрагимжанович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди _____
(ИМЗО)

Буюртмачи ходими
қабул қилди _____
(ИМЗО)

« _____ » _____ 20 _____ й.

« _____ » _____ 20 _____ й.

Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш тўғрисида

05.01.2022 дан
171000854010 сонли
ШАРТНОМА

2022 йил « 5 » Январ

Тошкент ш.

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари агентлиги (хукукий вориси – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги) томонидан берилган 08.09.2014 йилдаги АА 0005149 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005150 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005151 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005152 сонли; 08.10.2019 йилдаги АА 0006976 сонли; 05.12.2019 йилдаги АА 0008015 сонли лицензиялар асосида олиб борувчи ва кейинги ўринларда “Оператор” деб аталувчи “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамияти (қискартирилган номи “UMS” МЧЖ), ўз вакили – 2021 йил “06” декабр даги 0371/21 сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи Аскерова Эльвира Рахимовна орқали бир томондан ва кейинги ўринларда “Абонент” деб аталувчи “UCHQOR`RG`ON TUMAN 1-SON KASB-HUNAR MAKTABI” ўз вакили – Низом асосида иш олиб борувчи Чўйрзоқ Тўшев орқали иккинчи томондан (биргаликда “Тарафлар”, алоҳида “Тараф” деб аталади) Мобил алоқа хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

1. Атамалар ва таърифлар. Талқин.

Ушбу Шартнома бўлимларининг барча сарлавҳалари фақат улардан фойдаланиш (уларни ўқиш) қулайлигини мўлжаллаб қўлланилди ва Шартнома шартлари талқинига ҳеч қандай тарзда таъсир кўрсатмайди. Ушбу Шартнома мақсадлари учун куйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилди:

Абонент – Оператор билан ушбу Шартномани имзолаган, товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилари билан бюджет ажратмалари бўйича шартномалари, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтганидан кейин кучга кирадиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағларини олувчи.

Абонент қурилмаси – абонент мулки бўлган ёки унга вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга берилган, телекоммуникациялар тармоқлари билан алоқа боғлаб, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган ёки қабул қилинадиган сигналларни ҳосил қилиш, ўзгартириш, қайта ишлаш учун мўлжалланган техник восита. Абонент қурилмаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ ушбу турдаги ускуналарга қўйиладиган техник талабларга жавоб бериши, шунингдек ЎЗР қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда мувофиқлик сертификати бўлиши керак. Алоқа хизматларидан фойдаланиш учун Абонентга берилган SIM-карта қўйилган Абонент қурилмаси ёрдамида амалга оширилган хатти-ҳаракатлар Абонент номидан амалга оширилган ҳисобланади.

Абонент рақами – Шартнома амал қиладиган давр учун Оператор томонидан Абонентга бериладиган рақам.

Алоҳида тоифадаги абонент рақами – рақамларнинг муайян изчиллиги (комбинацияси) билан ажралиб турадиган Абонент рақами бўлиб, у Оператор томонидан рақамларнинг ҳар бир тоифаси учун белгиланган тариф бўйича қўшимча ҳақ эвазига тақдим этилади. Абонентга алоҳида тоифадаги абонент рақамини тақдим этиш тартиби Оператор томонидан мустақил равишда белгиланади. Алоҳида тоифадаги абонент рақамини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги батафсил ахборот Абонентга Операторнинг ўз офисларида, шунингдек тегишли маълумотларни Операторнинг Веб-сайтида жойлаштириш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан, шунингдек Оператор маъқул топган бошқа усулларда етказилади. Ушбу Шартнома матнида “Абонент рақами” дейилганда алоҳида тоифадаги абонент рақамлари ҳам тушунилади.

АХКТ – автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизими (аппарат-дастурий комплекс) бўлиб, у Оператор билан Абонент ўртасидаги ҳисоб-китоблар автоматлаштирилишини таъминлаш, шунингдек кўрсатилган Алоқа хизматлари ҳисобини юритиш ва ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган.

Абонент тўлови – Тариф режаларининг ҳамда Алоҳида хизматлар тўпламлари ва бошқа хизматларни кўрсатиш шартларига мувофиқ, Оператор томонидан муайян (ҳисоб-китоб) даври (ой, чорак, йил ва ҳ.к.) учун Абонентдан ундириладиган, миқдори қатъий белгиланган тўлов бўлиб, у Абонент алоқа хизматларидан қанча ҳажмда фойдаланганидан қатъи назар, Оператор белгиланган миқдорда ва муддатларда Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағидан чиқариб олинади.

Операторнинг Веб-сайти – Операторнинг www.mobi.uz электрон манзилида жойлашган ахборот ресурси.

Контент – Абонентнинг сўрови асосида SMS, MMS, GPRS орқали олинган, ахборот, қўнғилочар ёки бошқа тусдаги матнли ёхуд мультимедиа маълумотлари.

Контент-провайдер – Оператор тармоғи орқали Абонентларга тижорат асосида контент хизматларини кўрсатувчи юридик шахс. Контент-провайдерлар ҳамда улар кўрсатадиган Контент хизматлари рўйхати Операторнинг веб-сайтида, шунингдек Контент-провайдерларнинг веб-сайтларида бор.

Шахсий (электрон) ҳисобварақ – Операторнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимидаги тафсилий электрон ҳужжат бўлиб, Абонент фойдаланилаётган хизматлар ҳақини тўлаши учун мўлжалланган. Унда Алоқа хизматларидан фойдаланиш давомида Абонент тўлаган ва сарфлаган пул маблағлари тўғрисидаги ахборот пул эквивалентида сақланади.

Абонент тўлаган пул маблағларини ва улар ечиб олинишини Шахсий (электрон) ҳисобварақда акс эттириш тартиби Оператор томонидан белгиланади.

Алоҳида хизматлар тўплами – Тариф режаси таркибига кирмаган муайян ҳажмдаги Алоқа хизматлари.

Оператор офиси – Оператор Абонентларни қабул қиладиган ва уларга хизмат кўрсатадиган, абонентларга оид маълумотлар базаси ҳамда Операторнинг фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатлар сақланадиган ва ишлов бериладиган хона, бино. Операторнинг бош офиси ва унинг Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги Хизмат кўрсатиш марказлари жойлашган манзил, уларнинг иш вақти тўғрисидаги ахборот Операторнинг Веб-сайтида кўрсатилади ва зарурат бўлишига қараб (масалан, жойлашган манзил ўзгарган ва бошқа ҳолларда), белгиланган тартибда янгиланган бўлади.

Дастлабки бўнақ тўлови – Шартнома бўйича хизматлар умумий кийматининг 15%дан кам бўлмаган миқдордаги олдиндан тўлов суммаси.

Оператор тармоғига кириш имкониятини бериш – Абонентнинг Шахсий маълумотларига ишлов бериш ва уларни Операторнинг аппарат-дастурий комплексига киритиш борасида Оператор томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар. Абонент Дастлабки бўнақ тўловини амалга оширганидан кейин Оператор тармоғига кириш имконига эга бўлади.

Радиотелефон орқали уланиш давомийлиги – бу, жавоб сигнали абонентнинг жавобига тенглаштирилувчи чакирилаётган абонент ёки ускуна жавобининг биринчи сониясидан бошлаб чакирилаётган ёки чакирилаётган абонент ёхуд шундай ускуна алокани узган лаҳзагача ўтган вақт оралиғи.

Роуминг (Roaming) – Абонент Ўзбекистон Республикасидан ташқарида, бошқа мамлакатда бўлганида Абонент Оператор тармоғида дастлаб рўйхатдан ўтганидаги маълумотлар албатта сақланган ҳолда у бошқа мобил (уяли) алоқа операторининг тармоғига киришини таъминловчи алоқа хизмати. Операторнинг роуминг-ҳамкорлари, роуминг хизматларини кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ахборот Оператор офисларида ва/ёки Оператор веб-сайтида сақланади.

Радиотелефон орқали уланиш – иккита абонент қурилмаси, фойдаланувчи ўртасида ахборот алмашиш имконини таъминловчи радиотелефон алоқасини ўрнатиш. Бунда Абонент фойдаланувчиларнинг бири бўлади.

Оператор тармоғи – Абонентга Алоқа хизматларини тақдим этишда қўлланиладиган техник воситалар мажмуи (коммутация ва радио ускуналари, абонент қурилмалари, уланиш линиялари, иншоотлари ва х.к.).

Алоқа хизматлари кўрсатиш шартномага оид Келишув (кейинги ўринларда – “Келишув”) – ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, унда Абонент ҳақидаги, Абонентга берилган абонент рақами, Абонент танлаган Алоқа хизматлари, Абонент унга улаб берилган абонент рақамларидан фойдаланиш учун мўлжаллаган абонент қурилмаларининг турлари, тўловномани етказиб бериш усули тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Шартноманинг бошқа муҳим шартлари қай, этилади. Келишув Оператор томонидан Абонентга SIM-карта берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам ҳисобланади. Келишув Абонентга берилган ҳар бир абонент рақами ёки тариф режаси бўйича расмийлаштирилади.

Тариф – Алоқа хизматининг ўлчов бирлиги учун Оператор томонидан белгиланадиган нарх.

Тариф режаси – нархларга оид шартлар мажмуи бўлиб, Оператор улар асосида абонентларга ёхуд абонентларнинг муайян доирасига ёки чекланган ҳудудда бир ёки бир нечта мобил алоқа хизматларидан фойдаланишни таклиф қилади.

Оператор Абонентга унинг учун махсус ишлаб чиқилган индивидуал тариф таклифлари асосида алоқа хизматларини тақдим этишга ҳақли.

Алоқа хизматларини кўрсатишга оид техник имконият – Операторнинг хизмат кўрсатиш ҳудудида Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатиш учун зарур ишлаб турган техник алоқа воситалари ва иншоотлари мавжудлиги.

Оператор тармоғига кириш учун рухсат бериш борасидаги техник имконият – Операторнинг рақам сифимида бўлган рақамлар ва/ёки алоқа каналлари, шу жумладан, мавжуд радиочастота ресурсини ҳисобга олган ҳолда радиоканаллар мавжудлиги.

Алоқа хизматлари – Оператор Тармоғига кириш имкониятини бериш, радиосигналлар ёки маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва жўнатиш борасида тасдиқланган ва амалда бўлган Тарифларга ва (ёки) Тариф режаларига мувофиқ Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек Оператор ўзининг хизмат кўрсатиш автоматик тизимидан фойдаланган ҳолда Абонентга кўрсатадиган бошқа хизматлар. Оператор Алоқа хизматлари рўйхатини Оператор Тармоғининг Техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилайди.

GPRS (General Packet Radio Service) – маълумотларни радиоканал орқали тўплам тарзида жўнатиш алоқа хизмати.

SMS (Short Message Service) – Абонентга қисқа матнли хабарларни Абонент қурилмаси орқали (ундан фойдаланган ҳолда) юбориш ва олиш имконини берувчи Алоқа хизмати.

SIM-карта (Subscriber Identity Module) – микросхема ўрнатилган идентификация модули бўлиб, унинг ёрдамида Абонент қурилмаси идентификацияланиши, у мобил алоқа тармоғига кириши, шунингдек абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя таъминланади. SIM-карта турли Абонент қурилмаларига ўрнатилганида Абонентнинг тармоқдаги барча қайдлари ва унга берилган Абонент рақами сақланиб қолади. SIM-карта билан бажарилган барча хатти-ҳаракатлар Абонент номидан амалга оширилган ҳисобланади.

GSM-шлюз – кўп ёки битта каналли мобил қурилма ҳамда дастурий-техник восита. У интернет тармоққа, умумий фойдаланишдаги стационар тармоққа ва/ёки мобил оператор тармоғига уланади ҳамда тармоқ ичидаги кўнғирок/SMS ёки Ўзбекистон Республикаси ичида бошқа тармоқларга кўнғирок/SMS тарификациясини таъминлаш учун абонент SIM-картаси ёки рақамидан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- VoIP каналидан ҳар қандай қирувчи халқаро кўнғирокларни GSM тармоқнинг каналларидан бирига қайта йўналтириш

- қирувчи халқаро/маҳаллий SMS (бир марталик пароль – OTP, верификациялаш SMSлари ва х.к.)ни қабул қилиш ва қайта жўнатиш.

2. Шартнома предмети

2.1. Оператор ўз тармоғининг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатиш мажбуриятини олади, Абонент эса, Алоқа хизматлари ҳақини ушбу Шартномада белгиланган шартларда ва тартибда тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Алоқа хизматлари кўрсатиш учун Оператор Абонентга Келишувда (Келишувларда) кўрсатилган абонент рақами (рақамлари)ни беради.

2.3. Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларини ва бошқа алоқа хизматларини тақдим этиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, Алоҳида тоифадаги Абонент рақамини бериш шартлари ва тартиби, конструктор режимидаги махсус мослашувчан тарифлар, индивидуал тариф таклифлари Оператор томонидан белгиланади ҳамда Оператор офисларида, Оператор Веб-сайтида ва/ёки оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади. Келишув (Келишувлар), Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларини ва бошқа алоқа хизматларини тақдим этиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, Алоҳида тоифадаги Абонент рақамини бериш шартлари ва тартиби, конструктор режимидаги махсус мослашувчан тарифлар, индивидуал тариф таклифлари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади

3. Алоқа хизматларини кўрсатиш тартиби

3.1. Ушбу Шартнома имзоланганидан сўнг Алоқа хизматларини кўрсатиш борасидаги Операторнинг мажбурияти Абонент дастлабки бўнак тўловини киритганидан кейин юзага келади. Кейинчалик, Абонентнинг шахсий ҳисобварағида ижобий баланс мавжуд бўлганда Оператор Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатишга мажбур. Оператор ушбу Шартномага кўшимча келишув асосида Абонентга унинг шахсий (электрон) ҳисобварағида салбий баланс бўлганда ҳам Алоқа хизматларидан фойдаланиш имконини беришга ҳақли. Бунда тўлов муддати, тўловни кечиктирилган режимда амалга ошириш имконияти билан Алоқа хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлган энг узок муддат ва бошқа шартлар кўрсатилган бўлиши керак.

3.2. Абонент Алоқа хизматларидан фойдаланиши учун унда Абонент қурилмаси бўлиши керак. Абонент уланган абонент рақамларидан (SIM-карталардан) фойдаланишда ишлатмоқчи бўлган абонент қурилмаларининг тури (мобил телефон, USB-модем, электр энергияси/сув/газ ҳисоблагичлари, онлайн тўловлар терминаллари ва бошқалар) ушбу Шартномага

кўшимча Келишувларда кўрсатилади. Бунда Оператор Абонентга Абонент қурилмасини тақдим этишга, шунингдек унинг Абонент қурилмасини, аппарат ва дастурий таъминотини сошлаб беришга мажбур эмас.

3.3. Оператор Келишув асосида Шартнома амал қиладиган давр учун Абонентга Оператор тармоғига кириш имкониятини таъминлай оладиган Абонент рақами ёки Алоҳида тоифадаги абонент рақамини ва SIM-картани тақдим этади. Бешта ва ундан ортиқ абонент рақамлари Абонент шунча рақамга эҳтиёж борлигини ёзма равишда асослаб берганидан кейингина уланади.

3.4. Алоқа хизматлари Оператор томонидан ҳар куни, кеча-ю кундуз (суткасига 24 соат), танаффусларсиз кўрсатилади, фақат зарур профилактика ва таъмирлаш ишлари бажариладиган вақтлар бундан мустасно.

Профилактика ва таъмирлаш ишлари олиб бориладиган, шунингдек йирик авариялар юз берган ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишга сарфланадиган вақт Алоқа хизматларини кўрсатишдаги танаффус ва (ёки) Алоқа хизматлари кўрсатишнинг белгиланган муддатларини бузиш ҳисобланмайди.

Оператор тармоғида йирик авариялар юз бериб, бунинг оқибатида Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтаб қолган ҳолларда Оператор Абонентга бу ҳақда, шунингдек Алоқа хизматлари қачон яна кўрсатила бошланиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали ёки Операторнинг веб-сайтида тегишли ахборотни жойлаштириш йўли билан хабар бериши шарт. Абонент қурилмасидаги, бошқа операторлар тармоғи ускуналаридаги (шу жумладан шаҳар телефон тармоғидаги) носозликлар Хизматлар кўрсатишдаги танаффуслар ҳисобланмайди.

3.5. Абонентга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ягона рақамларни териш орқали кеча-кундуз исталган вақтда шошилинч тезкор хизматларни бепул чақириш имконияти таъминланади. Бу рақамлар:

- 101 – ўт ўчириш хизмати;
- 102 – ички ишлар органлари (милиция);
- 103 – тез-тиббий ёрдам;
- 104 – газ тармоғи авария хизмати;
- 1050 – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарув хизмати;
- 112 – ягона шошилинч хизмат.

3.6. Операторнинг Алоқа хизматлари сифати Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган техник нормаларга мос келади ҳамда Операторга берилган лицензиялар талабларига жавоб беради.

3.7. Абонентга кўрсатиладиган Алоқа хизматлари, Оператор тармоғининг конструктив хусусиятлари сабабли, Операторнинг ваколатлари доирасидан ташқарида бўлган бошқа уяли алоқа операторлари, маҳаллий симли телефон линиялари операторларининг ускуналари, халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларининг ускуналари сифатига боғлиқдир.

3.8. Абонент махфий сўзни айтиб, Операторнинг Маълумот бўлимидан ахборот олишга ҳақли. Абонент Махфий сўзни айтганида Оператор унга хизмат кўрсатиш процедураси тўғрисида тўлиқ маълумот бериш мажбуриятини олади.

3.9. Қуйидаги ҳолатлар оқибатида алоқа сифати ёмонлашса ёки алоқа узилса, бунинг учун Оператор жавобгар бўлмайди:

- а) радиотўлқинлар табиий тарзда тарқалиши ва устма-уст келиб қолиши;
- б) Абонент электр узатиш линиялари, биналар яқини ёки ичида, ер ости йўлларида, ертўлаларда ва бошқа ер ости иншоотларида бўлиши;
- в) рельеф ва қурилишларнинг маҳаллий хусусиятлари;
- г) маҳаллий симли телефон линиялари операторлари ҳамда халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларига тегишли ускуналарнинг техник тавсифлари ва ҳолати, метеорологик шарт-шароит таъсирида;
- д) Абонент носоз (белгиланган талабларга жавоб бермайдиган) Абонент қурилмасидан ёки ишлаб чиқарувчи ёхуд Оператор билан келишмасдан ўзгартирилган ёки модификацияланган ёхуд соловлари Оператор тавсияларига мос келмайдиган Абонент қурилмасидан фойдаланиши;
- е) Оператор билан келишмасдан ўзгартирилган (алмаштирилган, модификацияланган) SIM-картадан фойдаланилиши;
- ё) Оператор таъсир кўрсата олмайдиган ёхуд олдиндан билолмайдиган бошқа сабаблар туфайли, шу жумладан ушбу Шартноманинг 3.7-бандида кўзда тутилган ҳолларда.

3.10. Оператор Абонентнинг сўрови асосида Контент-провайдер томонидан Оператор тармоғи орқали тарқатиладиган Контентнинг сифати (тақдим этилмаслиги, ўз вақтида етиб бормаслиги ва мазмуни) учун жавоб бермайди.

3.11. Оператор учинчи томон етказиб берган ва Оператор тавсия қилмаган амалий дастурий таъминот тўғри ишлашини кафолатламайди ва бунинг учун жавобгар бўлмайди, “Интернет” тармоғида ўрнатилган маълумот серверларининг ишга яроқлилиги ҳамда Абонент қурилмасининг амалий дастурий таъминоти бундай серверларнинг дастурий таъминоти билан мос келиши учун жавоб бермайди.

3.12. Абонент Алоқа хизматларидан Шахсий мақсадлардагина фойдаланиши шарт. Бунда Абонентга қуйидагилар тақиқланади:

- а) Абонент рақамидан лотереялар, овоз беришлар, танловлар, викториналар, реклама, сўроқлаш тадбирлари, Оператор билан келишилмаган оммавий хабар жўнатишларда, қатъий белгиланган алоқа, Интернет-телефония тармоқларига кириш шлюзларини ўрнатишда ҳамда Абонент ускунасининг ва (ёки) алоқа қурилмаларининг иш қобилияти бузилишига олиб келувчи бошқа тадбирларни ўтказишда фойдаланиш;
- б) учинчи шахсларга Оператор тармоғига уланган SIM-картадан GSM-шлюзлар орқали ва/ёки унга бир ёхуд бир нечта телефон аппаратини ёки ташқи мини-АТС линиясини улаш имконини берувчи бошқа қурилмалар орқали фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
- в) ўзининг Абонент қурилмасидан дастурий таъминотни тарқатиш, IP-манзилларни сохталаштириш мақсадида Алоқа хизматларидан фойдаланиш, Оператор ва (ёки) Оператор билан боғлиқ учинчи шахсларнинг тармоғи нормал ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатларни содир этиш, Алоқа хизматларидан GSM-шлюзларда ва қатъий белгиланган алоқа тармоғига, Интернет-телефонияга кириш шлюзларида фойдаланиш.

3.13. Абонент Шартномани ўзи истаган вақтда бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли. Лекин Абонент бу ҳақда Операторни камида 10 (ўн) иш куни олдиндан хабардор қилиши ҳамда Алоқа хизматлари учун Оператор олдидаги мавжуд қарзини узиши шарт.

3.14. Оператор қуйидаги ҳолларда Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли:

- а) Абонент Бўнак тўловини Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатилган санадан бошлаб сурункасига 90 кун мобайнида амалга оширмаганда (қарзни сўндирмаганда);
- б) Абонент мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи транзакцияларни сурункасига 90 кун

мобайнида амалга оширмаганда;

в) ижро учун имконият бўлмаганда (Оператор тармоғига кириш имконини беришнинг ёки Абонент сўраган Алоқа хизматларини кўрсатишнинг Техник имкониятидан махрум бўлинганда);

в) Абонент Шартномада белгиланган Алоқа хизматларидан фойдаланиш коидаларини бузганда, хусусан бунга GSM-шлюзлардан фойдаланиш сабаб бўлганда, Оператор тармоғига товушли трафикни узатиш тартибини бузганда. Бунда Абонент Операторга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади;

г) Абонент тугатилганда;

д) давлат органининг ҳужжати қабул қилиниб, бунинг оқибатида Тарафлар ўз мажбуриятларини бажаришлари имконисиз бўлиб қолганда;

е) ушбу Шартномада ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

3.15. Абонент ходимларининг абонент маълумотлари базасига киритилган шахсий маълумотлари, шу жумладан телекоммуникация сири ҳисобланувчи маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органларининг сўровига кўра тақдим этиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

3.16. Оператор Абонент ходимларининг шахсий маълумотларига ишлов беришни Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб Оператор Абонент ҳақидаги ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги ахборотни сақлаши шарт бўлган муддат тугагунча қилиб белгиланадиган муддат мобайнида амалга оширади.

4. Операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда янги Тариф режаларини (Хизматларни) жорий этиш ва (ёки) Хизматлар кўрсатишнинг (Тарифларнинг) амалдаги шартларига ўзгартишлар киритиш орқали Алоқа хизматларини кўрсатиш шартлари, шу жумладан Тариф режаларининг шартларини белгилаш.

4.1.2. Абонент Шартнома шартларини, жумладан Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддатларини бузган ҳолларда, Абонент GSM-шлюзлардан фойдаланаётгани белгиларини мустақил равишда ёки бошқа операторларнинг маълумотлари асосида аниқлаган тақдирда Алоқа хизматлари кўрсатилишини тўхтатиб қўйиш. Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддатлари бузилгани учун Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатиб қўйилганда Абонентнинг шахсий ҳисобварағида салбий баланс юзага келган вақтдан бошлаб 90 календарь кун мобайнида қарз узилган тақдирда Алоқа хизматлари яна тақдим этила бошланади.

4.1.3. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағларини Абонентнинг бошқа барча Шахсий (электрон) ҳисобварақларидаги қарздорликни сўндириш учун чиқариб олиш.

4.1.4. Радиотелефон орқали уланишнинг максимал давомийлигини белгилаш (чеклаш).

4.1.5. Абонент махсус тарифлар (тариф режалари) ёки хизматлар тўпламларидан Оператор белгиланган талабларга ҳилоф равишда ноўрин фойдалангани аниқланган ҳолларда, Абонентни 15 календарь кун олдин огоҳлантириб, уни бошқа тариф режасига ўтказиш.

4.1.6. Абонент товушли трафикни узатиш тартибини бузганлиги аниқланган ҳолларда Абонентга хизматлар кўрсатишни тўхтатиш.

4.2. Операторнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

4.2.1. Ушбу Шартнома амал қиладиган давр учун Абонентга Абонент рақами ёки Алоқида тоифадаги Абонент рақами ва SIM-карта бериш.

4.2.2. Абонентга сифати вақолатли органлар белгиладиган параметрларга (уланиш, маълумот жўнатиш, алоқани узиш борасида), шунингдек Оператор тармоғида қўлланиладиган стандарт техник нормаларга мос келувчи Алоқа хизматларини кўрсатиш.

4.2.3. Абонент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган вақтда унга Алоқа хизматларини кўрсатиш.

4.2.4. Абонентга Оператор кўрсатадиган Алоқа хизматлари ҳақида тўғри ахборот бериш.

4.2.5. Алоқа хизматлари кўрсатилиши давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш.

4.2.6. Абонентга қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш.

4.2.7. Оператор Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг бошқа алоқа операторлари билан тегишли Шартномалар тузган бўлса, Абонентга бу тармоқлар абонентлари билан радиотелефон орқали уланишни таъминлаш. Ушбу шарт фақат Абонент мазкур хизматни мустақил фаоллаштирган тақдирда ёки агар бу хизмат Абонент танлаган Тариф режасига киритилган бўлса, қучга эгадир.

4.2.8. Алоқа хизматлари ҳақи тўланмагани учун Оператор тармоғидан узиб қўйилган Абонентни унинг шахсий ҳисобварағида салбий баланс юзага келган вақтдан бошлаб 90 календарь кун ичида фойдаланилган Алоқа хизматлари ҳақини тўлашга доир қарзлар тугатилиб (сўндирилиб), Абонент танлаган Тариф режасига мувофиқ миқдорда бўнак тўлови киритилгач, Оператор тармоғига улаш.

4.2.9. Хизмат кўрсатиш ҳудудида мобил алоқа тармоғи қўлланилаётган стандартнинг техник нормаларига мувофиқ ишлашини ҳамда Абонентга шошилинч тезкор хизматларни кеча-кундуз бепул чақириш имкониятини таъминлаш

4.2.10. Ушбу Шартномани бажариш давомида Операторга маълум бўлган Абонент Шахсий маълумотларини ҳимоялаш чораларини қўриш.

5. Абонентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Мазкур Шартнома шартларига биноан Алоқа хизматларидан фойдаланиш.

5.1.2. Оператор офислари, уларнинг иш вақти ва Оператор кўрсатадиган Алоқа хизматлари тўплами ҳақидаги зарур ва тўғри маълумотлардан фойдаланиш.

5.1.3. Ҳисоб-китоблар тартибини, Тариф режасини, кўрсатилаётган Алоқа хизматлари тўпламини Операторнинг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Оператор белгиланган тартибда ўзгартириш.

5.1.4. Оператор тармоғига уланишда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, ушбу Шартномада белгиланган шартлар ва тартибда, Оператор талабларига мувофиқ тарзда Абонент қурилмасидан фойдаланиш.

5.1.5. Ўзига Алоқа хизматлари кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида Операторни ўз ташаббуси билан хабардор қилиш.

5.2. Абонентнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

5.2.1. Алоқа хизматларидан фойдалана бошлашдан олдин долзарб Алоқа хизматлари рўйхати, Тариф режалари, Алоқа хизматлари учун тарифлар (шу жумладан Роумингдан фойдаланганда қўлланиладиган Алоқа хизматлари тарифлари) ҳамда Оператор ва у тақдим этаётган алоқа хизматлари ҳақидаги бошқа зарур маълумотлар билан танишиш.

5.2.2. Ўзбекистон Республикасида белгиланган стандартларга жавоб берадиган Абонент курилмасидан уни ишлаб чиқарувчининг фойдаланиш бўйича йўриқномасига мувофиқ фойдаланиш. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинаши керак:

а) муайян ҳудудда (аэропорт, самолёт, антенна майдони, метрополитен ва х.к.) амалда бўладиган алоҳида фармойишлар ва коидалар;

б) ҳалал берувчи шовкин ёки хавфли вазият юзага келиши эҳтимоли бор ҳолатлардаги чекловлар: тиббиёт муассасалари, техник хизмат кўрсатиш станциялари, ёнилғи сақланадиган ва ортиладиган ҳудудлар, портлаш ишлари олиб борилаётган жойлар ва х.к.;

Оператор бу чекловлар ва талаблар тўғрисида Абонентни хабардор қилишга мажбур эмас.

5.2.3. Алоқа хизматлари ҳақини Шартнома шартларига биноан ҳисоб-китобларнинг амалдаги тартиби, танланган Тариф режаси, Алоҳида хизматлар тўпламлари ҳамда сотиб олинаётган Алоқа хизматлари рўйхатига мувофиқ ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб бориш.

5.2.4. Операторга ҳужжатлар билан тасдиқланган Абонент ҳақидаги маълумотларни, хат-хабарларни етказиш учун аниқ электрон ва/ёки почта манзилини, банк реквизитларини ҳамда Шартнома ижро этилиши учун керакли бошқа маълумотларни Операторга у белгилаган ҳажмда тақдим этиш.

Ушбу бандда кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда шундай ўзгаришлар санасидан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун мобайнида Операторга янги маълумотларни ёзма шаклда тақдим этиш.

Оператор тегишли хабарни олган санадан бошлаб, Алоқа хизматлари Абонентнинг почта манзили ҳақидаги янги маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўрсатилади

5.2.5. Ҳуқуқларни таъсис ҳужжатлари ёки қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома асосида иш олиб боровчи вакил орқали амалга ошириш.

5.2.6. SIM-карта йўқолгани тўғрисида Операторга Ахборот-маълумот маркази (Call-центр) орқали дарҳол хабар бериб кейинчалик Операторнинг офисига ёзма ариза тақдим этиш.

Агар Абонент бу шартларга риоя этмаса, токи Оператор SIM-карта йўқолгани ва хизматлар кўрсатиш тўхтатилиши кераклиги тўғрисида Абонентнинг аризасини олгунига қадар йўқолган SIM-карта бўйича кўрсатилган Оператор хизматлари ҳақини тўлаш мажбурияти Абонент зиммасига тушади.

5.2.7. SIM-картада шифрланган ва Операторнинг тижорат сири ҳисобланувчи ахборотни учинчи шахслар ололмаслигини таъминлаш, SIM-картадаги шифрланган маълумотлар билан қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик ҳамда учинчи шахсларга ҳам бундай имкониятни бермаслик: ахборотни ўзгартириш, чиқариб олиш, нусха кўчириш, кўпайтириш, тарқатиш, бошқа ахборот ташиш воситаларига ўтказиш, бошқа ҳуқуққа қарши хатти-ҳаракатлар.

5.2.8. SIM-картанинг дубликатларини тайёрламаслик, шунингдек учинчи шахслар томонидан шундай ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик. Абонент бу мажбуриятни бажармаган тақдирда, унинг айби билан Оператор ва у билан боғлиқ шахслар кўрган зарарларни Абонент тўлашга мажбур бўлади.

5.2.9. Абонент рақами (SIM-карта)дан фойдаланишда Келишувда тури кўрсатилмаган абонент курилмасини қўлламаслик.

6. Алоқа хизматларининг тарифлари ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

6.1. Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларининг ва бошқа Алоқа хизматларининг тарифлари, жумладан Алоҳида тоифадаги абонент рақамини бериш, конструктор режимидаги махсус мослашувчан тарифларни тақдим этиш шартлари ва тартиби, шунингдек радиотелефон орқали уланиш давомийлиги, Алоқа хизматлари нархлари бирлиги ҳамда тўликсиз нархлаш бирлиги учун ҳақ тўлаш тартиби Оператор томонидан мустақил равишда белгиланади.

6.2. Тариф режалари (Тарифлар)нинг шартларига ўзгартишлар Оператор томонидан бир томонлама тартибда киритилади. Бу ҳақдаги тегишли маълумот Операторнинг веб-сайтида ёки оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади ёхуд Оператор учун мақбул бўлган бошқа усулда Абонентларга етказилади.

Тариф режалари (Тарифлар)га киритилган ўзгартишлар тегишли ахборот Операторнинг веб-сайтида жойлаштирилганидан (эълон қилинганидан) кейин 10 (ўн) кун ўтгач кучга киради.

6.3. Алоқа хизматларининг тарифлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда белгиланади. Кўрсатилган Алоқа хизматлари учун барча тўловлар (дастлабки бўнақ тўлови, бўнақ тўловлари, мавжуд қарзни сўндириш учун тўловлар) Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади ва Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағида акс эттирилади.

Алоқа хизматлари учун тўланган пул маблағларини Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағида акс эттириш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби Оператор томонидан белгиланади.

6.4. Алоқа хизматлари қиймати қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига олади, лекин қонунчиликда бошқа ҳолат кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Абонент қуйидаги тўловларни амалга оширади:

6.5.1. Абонент тўлови;

6.5.2. Оператор тармоғида радиотелефон орқали чиқувчи уланишлар ва бошқа операторларнинг рақамларига радиотелефон орқали чиқувчи уланишлар;

6.5.3. маълумот узатиш тармоғи бўйича уланишлар (кейинги ўринларда – алоқа сеанслари);

6.5.4. Роумингда радиотелефон орқали чиқувчи ва кировчи уланишлар;

6.5.5. чиқувчи СМСлар;

6.5.6. бошқа хизматлар, шу жумладан Контент-провайдерлар ва бошқа учинчи шахслар томонидан Оператор тармоғи орқали тақдим этиладиган хизматлар.

6.6. Тўлов радиотелефон орқали уланишлар/алоқа сеансларининг давомийлигига ҳамда радиотелефон орқали уланиш/алоқа сеансининг тегишли турига қараб, Алоқа хизматларини кўрсатиш вақтида амалда бўлган Тариф бўйича амалга оширилади.

6.7. Ушбу Шартнома бўйича алоқа хизматларининг умумий қиймати 459 000 (Тўрт юз эллик тўққиз миң) сўмни, ҚҚС билан _____) сўмни ташкил қилади.

6.8. Абонент Алоқа хизматлари ҳақини Операторнинг банк ҳисобварағига нақдсиз шаклда қуйидаги тартибда тўлайди:

а) ушбу Шартноманинг 6.7-бандида кўзда тутилган Алоқа хизматлари йиллик қийматининг 15% миқдоридagi дастлабки бўнақ тўлови ушбу Шартнома унинг 9.8-бандида белгиланган тартибда рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 14 (ўн тўрт) календарь кун мобайнида амалга оширилади.

Дастлабки бўнак тўлови киритилмаслиги Абонент ушбу Шартномани бажаришни рад этганлигини билдиради;
б) Алоқа хизматлари учун кейинги тўловлар Абонент томонидан ҳар ойда, Оператор тугаган ой учун тўловнома-фактурада тақдим этган вақтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичида амалга оширилади.

6.9. Тўловнома-фактурада Алоқа хизматлари қиймати ва кўшилган киймат солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади.

Тўловнома-фактура электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади.

Абонент электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида Оператор томонидан расмийлаштирилган, жумладан тўлов ва Кафиллик шартномасига мувофиқ Кафил томонидан амалга ошириладиган хизматлар бўйича тўловнома-фактураларни ўз вақтида тасдиқлаши шарт.

6.10. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағидан Операторнинг АХҚТда ҳисобланадиган суммалар Оператор белгиланган тарифларга ва Абонент томонидан танланган тариф режаси шартларига мувофиқ автоматик тарзда ечиб олинади.

6.11. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағида салбий баланс юзага келганда Оператор Абонентга Алоқа хизматлари кўрсатилишини тўхтатиб туришга, жумладан давом этаётган суҳбатни узиб қўйишга ҳақли.

6.12. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағидаги маблағларни у фойдаланаётган Алоқа хизматлари миқдоридан дарҳол ечиб олишнинг имкони бўлмайдиган ҳолларда фойдаланилган Алоқа хизматлари учун ҳисобланган тўловлар кечиктирилган режимда тўланади. Агар Абонент Шахсий (электрон) ҳисобварағининг баланси тўпланган суммалар қайта ҳисобланганидан кейин салбий кўрсаткичга эга бўлса, Тарафлар Абонентнинг Оператор олдидаги бундай қарзини бахс мунозарасиз қарздорлик деб белгилайдилар.

6.13. Ушбу Шартнома бекор қилинган тақдирда, фойдаланилмаган ва Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағида турган сумма Таққослаш далолатномаси асосида уни ҳар икки Тараф имзолаган санадан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун ичида Оператор томонидан Абонентнинг банкдаги ҳисобварағига нақдсиз шаклда қайтарилди.

Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағида қолган (сарфланмаган) сумма Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда қайтарилди.

Ушбу Шартнома бекор қилинадиган ҳолларда:

а) Оператор тармоғига кириш имкони берилгани учун тўлов қайтарилмайди;

б) ўтказилаётган акциялар доирасида Оператор томонидан таклиф қилинган бонуслар пул эквивалентида тўланмайди;

в) Абонентнинг мулки бўлган Абонент қурилмаси сотиб олинмайди;

г) олинган Алоҳида тоифадаги абонент рақамини танлаш хизмати учун тўланган маблағ қайтарилмайди.

6.14. Абонент Операторга ёзма равишда мурожаат қилиб, фойдаланилган Алоқа хизматлари ҳамда Шахсий (электрон) ҳисобварақдан сарфланган маблағлар ҳақидаги батафсил маълумотларни Оператор белгиланган тарифлар бўйича олишга ҳақли.

6.15. Абонент ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган, лекин ҳақи тўланмаган Алоқа хизматлари учун Оператор томонидан ҳисобланган барча суммаларни сўзсиз эътироф этади.

6.16. Абонентнинг Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш борасидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида учинчи шахс (кафил) билан кафиллик шартномаси (Оператор тасдиқлаган намунавий шаклда) тузилиши мумкин. Бу Шартномага кўра, учинчи шахс (кафил) Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш борасида Абонентнинг Оператор олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бериш мажбуриятини олади. Оператор ва Абонентнинг кафил билан муносабатлари кафиллик шартномаси шартлари ҳамда кафиллик тўғрисида амалда бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ тартибга солинади.

6.17. Абонент унинг бошқа барча Шахсий (электрон) ҳисобварақларидаги қарздорликни ёки аввалги Шартномалар бўйича мавжуд қарздорликни сўндириш учун Оператор Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағларини чиқариб олишига ўз розилигини беради.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Оператор ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим тарзда бажармаган тақдирда Абонентнинг талабига кўра, Абонент талаб қилган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай, камчиликларни бартараф этиши шарт. Бунда Оператор кўрилган зарар ўрнини қопламайди ва бошқа бирон тўловни амалга оширмайди.

7.2. Оператор тақдим этган тўловнома-фактуралар бўйича алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддати кечиккан тақдирда Абонент Операторга кечиккан тўлов суммасининг 0,1% миқдорида, лекин кечиккан тўлов суммасининг 50%дан ошмайдиган ҳажмда пеня тўлайди. Неустойкани ундириш Тарафларнинг ҳуқуқи, лекин ушбу Шартнома бўйича сўзсиз бажарилиши шарт бўлган мажбурият эмас.

7.3. Абонент SIM-картани йўқотиб қўйган тақдирда (йўқотган, ўғирлатган ва бошқа ҳолларда) токи Оператор Абонентдан SIM-карта йўқолгани тўғрисида ёзма ариза олгунига қадар, Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш мажбурияти Абонент зиммасида бўлади.

7.4. Абонент телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи талаблар ва нормалар, шу жумладан Операторнинг SIM-картаси GSM-шлюзларга ноқонуний улангани учун жавобгар бўлади.

7.5. Тарафлар олинмай қолган фойда тарзида кўрилган зарар қопланиши учун жавобгар бўлмайдилар.

7.6. Операторнинг SIM-картасидан GSM-шлюзлар ва бошқа руҳсат этилмаган қурилмаларда ноўрин фойдаланилиши шунингдек электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида Оператор расмийлаштирган тўловнома-фактуралар кечиктирилган тақдирдаги ёки тасдиқланмагани натижасида Оператор кўрган зарарни Абонент қоплаши шарт.

7.7. Ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда тарқатилган тарифлар ўзгаргани тўғрисидаги ахборот Абонент томонидан олинмагани учун Оператор жавобгар бўлмайди.

8. Эътирозларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Оператор ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим тарзда бажармаган ҳолларда Абонент Операторга эътироз билдириши мумкин. Оператор эътирозни у келиб тушган санадан бошлаб ўн беш кунда, материаллар қўшимча ўрганилиши керак бўлган ҳолда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши шарт.

8.2. Абонент Алоқа хизматларидаги камчиликлар билан боғлиқ ўз эътирозларини 6 (олти) ойдан кечикмай тақдим этиши лозим.

8.3. Ушбу Шартноманинг ижроси билан боғлиқ барча низолар ва келишмовчиликларни Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Шартнома шартларига мувофиқ, келишув процедуралари йўли билан ҳал қиладилар. Келишувга эришилмаган низолар Оператор жойлашган манзилдаги судларда кўриб чиқилади. Судга мурожаат қилишдан олдин суддан олдинги эътироз билдириш тартибига риоя этилиши шарт.

9. Бошқа шартлар

9.1. Тарафлар уларнинг ушбу Шартномани имзолаган вакиллари мазкур Шартномани тузиш ва ундан келиб чиқувчи, лозим тарзда расмийлаштирилган, тўлиқ кучга эга ва амалда бўлган барча мажбуриятларни бажариш учун ваколатга ҳамда барча зарур ижозатларга эгаллигини тасдиқлайдилар ва қафолатлайдилар.

9.2. Тарафларнинг ҳеч бири ушбу Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини иккинчи Тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи тарафга беришга ҳақли эмас.

9.3. Тараф унинг манзили, шунингдек банк ва бошқа реквизитлари ўзгарган тақдирда шу ўзгариш вақтидан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун ичида бу ҳақда бошқа Тарафни хабардор қилишга мажбур. Бу мажбурият бажарилмаган тақдирда аввалги реквизитлар бўйича ижро ушбу Шартнома доирасида мажбуриятлар лозим тарзда бажарилиши ҳисобланади.

9.4. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган барча ҳолатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига таянадилар.

9.5. Тарафлар ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ ёки ундан келиб чиқувчи барча хабарлар ва билдирувномаларни ўзбек тилида тузишлари ва бир-бирларига қуйидаги тарзда юборишлари керак:

- а) ушбу Шартнома тарафининг ваколатли ёки бошқа ҳар қандай ходимига шахсан топшириб, бу ҳақда тилхат олиш;
- б) бундай имконият йўқ бўлса, топширилгани ҳақида хабар бериладиган буюртма хат билан жўнатиш;
- в) электрон почта орқали юбориш.

9.6. Ушбу Шартнома Тарафларнинг хоши-иродасига кўра бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилди.

9.7. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил "05" Инвар дан 2022 йил 31 декабргача.

9.8. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида (ғазначилик бўлинмаларида) рўйхатга олинган вақтдан бошлаб кучга қиради.

10. Шартнома Тарафларининг реквизитлари

ОПЕРАТОР «УМС» МЧЖ	АБОНЕНТ
Республика Ўзбекистон, 100000, Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект А.Тимура, 24 ИНН: 303020732 Расчетный счет (СУМ) 20214000300381984001 В ОПЕРУ АК «АЛОҚАВАНК» МФО: 00401 ОКЭД 61200	"UHQOR`RG`ON TUMAN 1-SON KASB-HUNAR MAKTABI" 160900, ЎЗБЕКИСТАН, Наманган вилояти, Учқургон тумани, Учқургон шаҳар, Ёшлик МФЙ, Андижон кучаси Конг. телефони: Р/с: 23402000300100001010 Лицевой счет в Казначействе: 100010860142347092901079001 Г.ТАШКЕНТ, РКЦ ГЛАВНОГО ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ МФО: 00014 ИНН: 200061663
 М.Ў. Аскерова Э.Р.	 М.Ў. Р. Дадалирзаев
юрисі: <u>А. Ф. Муратов.</u>	юрисі: <u>Курб. К. Тошбоев</u>

2022 йил «5» Январ "UCHQOR`RG`ON TUMAN 1-SON KASB-HUNAR MAKTABI" билан ООО "UMS(Unversal Mobile Systems)" ўртасида 459000 умумий суммага тузулган № 171000854010 -сонли шартномага

ИЛОВАСИ

№	ИЛОВАСИ				
	Ойлар	Микдори	Базовая сумма	Индексация	Хаммаси
1	Январ	1	153000		153000
2	феврал	1	153000		153000
3	март	1	153000		153000
	1-чорак				
4	апрел				
5	май				
6	июн				
	2-чорак				
7	июл				
8	август				
9	сентябр				
	3-чорак				
10	октябр				
11	ноябр				
12	декабр				
	4-чорак				
	Жами		459000		459000

Ушқор`Рг`он туман 1-сон КХМ:

 ООО "UMS(Unversal Mobile Systems)"

Давлати Ф. Раҳимов

 Э.Аскерова



LITSENZIYA
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005152

Litsenziya turi
Вид лицензии

Типовая

Berilgan sana
Дата выдачи

08 сентября 2014 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati:
Срок действия лицензии:

08.09.2014г.

dan

08.09.2029г.

gacha

Litsenziatning nomi:

Наименование Лицензиата:

Общество с ограниченной ответственностью
«UNIVERSAL MOBILE SYSTEMS»

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari

Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

г.Ташкент, Юнусабадский район, проспект Амира Темура, д.24, р/с 20208000900381984001
в ГОО АК «Алокабанк», МФО 00401, ИНН 303020732

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей
подвижной радиотелефонной (сотовой) связи



ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

Rahbarning imzosi:

Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati:

Срок действия лицензии продлен: с

dan

по

gacha uzaytirildi

М.О:
М.П.

Rahbarning imzosi:

Подпись руководителя:



Litsenziyaning amal qilish muddati:

Срок действия лицензии продлен: с

dan

по

gacha uzaytirildi

М.О:
М.П.

Rahbarning imzosi:

Подпись руководителя:

(Bova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 399



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

Reestr № **009356-10**№ **007770**

2016 yil "08" avgust

Mazkur guvohnoma

"UNIVERSAL MOBILE SYSTEMS"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

THSHT (ОПФ)

153

Mulkchilik shakli:

Davlat

MSHT (ФС)

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

YUNUSOBOD TUMANI,**A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY**

MHBT (COATO)

1726266

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (ОКПО)

25243643

Asosiy faoliyat turi:

Elektr va radio aloqasi

XXTUT (ОКОХХ)

52300

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИНН)

303020732

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Avval, O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan**24.09.2014 yilda davlat ro'yxatidan o'tkazilgan**

Vakolatli organ boshlig'i:

V.K.Mamedov